

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Олмазор туманида олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва уларга яратилаётган шароитни, камбағалликни қисқартириш, аёллар бандлигини таъминлаш, шунингдек, нотинч оилалар билан ишлаш жараёнини ўрганиш мақсадида ҳудуддаги бир қатор маҳаллаларда бўлди.

Ўрганиш жараёни хайрли иш билан бошланди — тумандаги Хотира хиёбонида COVID-19 касаллигига қарши курашиш жараёнида вафот этган тиббиёт ходимлари учун ташкил қилинаётган боққа кўчат экилди.

Ўрганиш



ФЕРМЕРЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Яхши сўз жон озиғи, дейишади. Қаранг, шунча йил фермер бўлиб, дала кезиб, трактор ҳайдаб, қишинг не бир қаҳратони, ёзинг жазирама гармселларида жонимизни қийнаб ишлабмиз-у, бир ширин сўз эшитамиз! Фақат “режа”, “пахта”, “мажбурият” каби сўзларни эшитавериб, дийдамиз қотиб кетган экан.

Дил сўзи

Президентимиз куни кеча Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари куни муносабати билан йўллаган табриғида биз каби фермерларни “фидойи ва жонқуяр”, “ўз ишининг устаси”, деҳқончилиқни эса “ер юзидаги энг шарафли ва машаққатли касблардан бири” деб атагани кўнглимни чарақлатиб, чеккан заҳматларим унут бўлди.

Биласиз, Муборак тумани қиши изгирин, ёзи ўта иссиқ, сув танқис, боз устига гармсел пахта ёки ғалла туғул, одамнинг силласини қуритиб юборади. Табиийки, бундай оғир шароитда ишлашининг ўзи бўлмайди.

Асосийси, кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида узокни кўзлаган ҳолда амалга оширилаётган туб ислохотлар тизимда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз бот-бот тақдорлаганидек, эндиликда фермер кўп тармоқли бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ҳўжалигимизда чорва ҳам, бот ҳам бор. Буёғини сўрасангиз, 5 гектар тарвуз, 5 гектар қовун, 5 гектар пиёз, 5 гектар сабзи экиб, ички бозор тўқинлиғига ҳам ҳисса қўшиб келяпмиз. 350 бош қўй, 50 бош қорамол, пилла учун озуқа — тут плантациялари, биологатория ҳам мавжуд.

Мавриди келганда айтман: баъзилар аёл бошингиз билан сизга шунча ташвиш нимага керак, деб қолади. Уларга қарата айтар гапим ҳамиша тайёр: агар эл юкига елка тутта олмасанг, юрт тараққийтига озгина бўлса-да, ҳисса қўша олмасанг, дунёга келдинг нима-ю, келмадинг нима?!

Халқимизда “ҳаракатда барокат” деган нақл бор. Шундай экан, бундан буён ҳам экинлардан мўл ҳосил етиштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида бор куч, маҳорат, билим ва тажрибамни ишга солиб меҳнат қиламан.

Нодира БЕРДИЕВА,
Муборак туманида
«Хусайнов Нормуроод
Тўрамуллоевич» фермер
ҳўжалиғи раиси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ДУНЁ ТАН ОЛГАН WFME АККРЕДИТАЦИЯСИДАН ЎТДИ

Тошкент давлат стоматология институтида IV Халқаро стоматологлар конгресси ва Ўзбекистон стоматологларининг VIII курултойи бўлиб ўтди.

Хушxabар

Халқаро конгресснинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев, олий ва

ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов кириш сўзи билан иштирок этди.



Замонавий конституционализм:

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

2021 йил 14 декабрь куни “Замонавий конституционализм: миллий ва хорижий тажриба” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Барқарор ривожланиш маркази ҳамда Давлат ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси кўмағида ташкил этилди.

Конституциявий ислохотлар — давр талаби

Маълумки, жорий йил октябрь ойида бўлиб ўтган **Ўзбекистон Президенти сайловида барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида** **электрат вакиллари томонидан мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга ошириш тақлифи илгари сурилган эди.** Шу муносабат билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий ва жаҳон конституциявий тажрибасини чуқур ва пухта ўрганиш лозимлигини таъкидлаганди: **“Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўрамыз. Шу сабабли, аввало,**

сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққийтимизни белгилаб берадиган Асосий Қонунимизни тақомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди. Бир пайтнинг ўзида у яшаётган давримиз, халқимиз ва ҳаётнинг ўзи, ислохотлар талаби ва эҳтиёждан келиб чиққан тақомиллаштириб борилади. Зеро, ҳар қандай демократик ислохотлар мустақам конституциявий-ҳуқуқий асосга эга бўлсани бардавом ва самарали бўлади.

Ҳаракатлар стратегияси доира-сида Конституциямизнинг 21 та



моддасига 9 маротаба, 32 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов давридаги электрат тақлифларини умумлаштириб, Президентимиз мамлакатимиз Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табриғида Асосий Қонунимизни янада **тақомиллаштиришнинг 9 та йўналишини белгилаб берди.** Бўлажак халқаро Форумда иштирокчилар ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашадилар.



Муносабат

ЯНГИ ТАРТИБ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан янги уй-жойлар қурилиб, ипотека кредити асосида уйга муҳтож оилаларга берилаётгани кўлаб хонадонларга қувонч олиб кирмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 декабрдаги “Бозор тамойиллариға асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашға оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони оилалардаги фаровонлиқни ошириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Фармонга мувофиқ, 2021 йил 10 декабрдан бошлаб бозор тамойиллариға асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш тартиби доирасида даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашға муҳтож фуқароларға Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда квартира майдонининг

энг кўп меъёрини белгилаш амалиёти бекор қилинади.

Иқтисодий тараққийёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиғи томонидан ҳар йили бир қарз олувчиға ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлашда квартира майдонининг

этиш тўғрисидаги хабарнома-ни олган шахслар ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг уй-жой қийматининг камида 5 фоизига тенг бўлган қисмини ўз маблағлари ҳисобидан шакллантиради.

Аҳамиятлиси, жотиб олин-диган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгилан-ган 32 миллион сўм миқдори-да, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — биринчи беш йил давомида 10 фоизлик пункт-дан олган қисмиға тўланади.



ЭНДОКРИН КАСАЛЛИКЛАРИ ОРТГАНИ БАРЧАМИЗНИ ТАШВИШЛАНТИРИШИ ЗАРУР

Касаллиқни даволашдан кўра олдини олган афзал. Гарчи бу ҳақиқат азалдан бизга маълум бўлса-да, баъзан унга амал қилишни унутамиз. Касаллик исанхжага олгандагина шифокорға мурожаат этамиз. Айниқса, мамлакатимизда кейинги беш йилликда эндокрин, яъни йод етишмаслик касаллиғи 20 фоизга кўпайгани ҳар биримизни ташвишлантириши лозим. Тўғри, биз табиий равишда йод етишмайдиган ҳудудда яшаймиз. Бу эндокрин касаллиқларининг олдини олиш мумкин эмас, дегани эмас.

Бинобарин, эндокринология инсон ҳаёти сифатини таъминлашда энг муҳим соҳа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 декабрь куни эндокринология хизматини тақомиллаштириш ва қамровини ошириш чора-

дий-техника базаси мустаҳкамланганини, бу филиалларда махсус бўлимлар ташкил этилгани боис республика марказига мурожаатлар 2 баробар камайганини, ҳар йили 80 миң нафар бемор инсулин билан бепул таъминланаётганини айтиб, лекин шундай бўлса-да, сўнгги беш йилда эндокрин касалликлари 20 фоиз ортиб, ёшлар орасида ҳам кўпайганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Хўш, эндокрин касалликлари ортиб бораётган экан, бунга қарши қандай зарур чора-тадбирлар белгилан лозим?



«Халқ сўзи» учун махсус

ПОКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Покистоннинг Саргоджа университетидан ушбу мамлакатда нашр этилган “Шавкат Мирзиёев — узокни кўра билладиган давлат арбоби” (“H.E. Shavkat Mirziyoyev a visionary statesman”) номли тақлиий мақолалар китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Китоб Исломободдаги Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази (ГСТМ) томонидан Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган.

ГСТМ ижрочи директори Ҳолид Таймур Ақром янги Ўзбекистон эришган ютуқлар, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолиғида амалга оширилаётган ислохотлар, демократик ўзгаришлар, Ўзбекистон раҳбарининг ички ва ташқи сиёсати, унинг минтақавий ҳамда глобал ташаббуслари, жумладан, Тошкент шахрида Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзаро боғлиқлиғига бағишлан-

ган халқаро анжуманда илгари сурилган 10 та ташаббуси самараларига бағишланган 14 та тақлиий материалдан иборат тўплам ҳақида маълумот тақдим қилди.

Тадбир якунида Саргоджа университети проректори, профессор Салим Мазҳарга университет кутубхонаси учун китоб нусхалари топширилди.

Маълумот ўрнида: Саргоджа университети 2002 йилда ташкил этилган ва Покистоннинг йирик давлат университетларидан бири ҳисобланади.

«Дунё» АА.
Исломобод

Фракцияларда

МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Сийосий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда халқ вакиллари томонидан мамлакатимиз ва аҳоли турмуш фаровонлиғи, шунингдек, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашға дахлдор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилади

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиғига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштирганлик учун давлат божи миқдорини белгилаш, фуқаро идентификацияловчи ID-картани олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаганида, яроқсиз ҳолга келтирилганда ёки йўқотиб қўйган тақдирда маъмурий жавобгарликка тортиш масаласида юзага келган

ҳуқуқий бўшлиқни бартараф назарда тутилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётида “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш”, “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” ҳамда “идентификацияловчи ID-карта” тушунчалари билан боғлиқ бўшлиқлар бартараф этилишиға олиб келиниши ҳисобга олиб, уни иккинчи ўқишда маъқуллади.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма иккинчи ялпи мажлиси очишлиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма иккинчи ялпи мажлиси 2021 йил 15 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шахрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайдди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида 15-16 декабрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис “O‘zbekiston” ва “UzReport” телеканаллари ҳамда Сенатнинг “YouTube”даги расмий саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритилади.

Замонавий конституционализм:

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА



Конституция ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси

Аввало, таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда **Янги Ўзбекистонни барпо этиш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган** ўзаро боғлиқ ва модернизатн бир-бирини таъозо этувчи туб демократик сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-хуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат ва конституциявий тизим, жамиятда сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда ўта муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда.

Шу билан бирга, глобallasув, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши ва жадал ўзгариб бораётган ҳаёт мамлакатимизни янада модернизация қилиш, тинчлик, барқарорлик ва миллий мустақиллиكنи мустаҳкамлаш борасида янги ва янги ечимини кечкиртири бўлмайдиган, ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шу боис ҳам **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида** ўта аҳамиятли ва жиддий вазифалар белгиланган. **Мамлакатини модернизация қилишнинг етти йўналиши бўйича 50 дан ортик кодекслар, қонунлар, стратегиялар, концепция ва дастурларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган, 100 дан ортик бошқа ташаббуслар илгари сурилган.** Стратегия қонунчилик, хуқуқни англаш, хуқуқий тафаккур ва хуқуқни қўллаш тизимини, жамиятнинг сиёсий ва хуқуқий онгини умуминсоний кадриятлар ҳамда барқарор ривожланиш тамойилларига йўналтиради.

Жаҳон конституциявий жараёни: XXI аср тажрибаси

Жаҳон амалиёти ислохотларни изчил амалга оширишда айнан жамият ва давлатни модернизация қилишнинг конституциявий-хуқуқий асосларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатмоқда.

Бугун дунёда бирор-бир Конституция илк бор қабул қилинган тахририда сакланиб қолмаган. Биргина **XXI асрда дунёнинг 90 га яқин давлатида конституциявий ислохотлар муваффақиятли амалга оширилди, 57 тасида янги Конституция қабул қилинди.** Бу борада Конституцияга энг кўп ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ўнта давлатлар сирасига Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Исроил, Чили, Колумбия, Грузия ва Ҳиндистон кирази.

Бунда турли мамлакатлардаги конституциявий ўзгаришлар асосан ташқи ва ички таъхид ҳамда хатарларни инобатга олиб, уларга жавоб беришга қаратилганлиги билан ўзаро ўхшашлигини таъкидлаш жоиз. Замонавий конституциялар бундан юз йил олдин унчалик кўзга ташланмаган янгидаган-янги — атропо-муҳит, гендер тенглиги, инсон, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, келахак авлод хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалаларни қамраб олган. Уларда, шунингдек, ахборотлашган жамиятни шакллантириш, шахсий рақамли маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, илмий-технология ва инновацион ривожланиш, тўғридан-тўғри электрон демократия ва халқ қонунчилик ташаббуси элементларини жорий этиш каби бошқа замонавий масалалар ҳам ўрин олган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ДУНЁ ТАН ОЛГАН WFMЕ АККРЕДИТАЦИЯСИДАН ЎТДИ



Конгресс доирасида илк бор Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасида Тошкент давлат стоматология институти дунё тан олган Бутунжаҳон тиббий таълим федерацияси (WFMЕ)нинг халқаро аккредитациясидан ўтиб, сертификатини кўлга киритди. Аккредитацион Кенгашининг хулосасига кўра, Тошкент давлат стоматология институти бакалаврият ва магистратура йўналишлари аккредитациядан ўтди. Бу эндиликда Тошкент давлат стоматология институти битирувчиларининг дипломи

жаҳон миқёсида тан олинади, дегани. Тошкент давлат стоматология институти халқаро аккредитацияси — Ўзбекистондаги таълим дастурларининг халқаро сифат стандартларига мослигини баҳолаш жараёни бўлиб, Олий таълим сифати кафолати Европа ассоциацияси (ЕНQA) аъзоси ва Сифат кафолати агентликлари Европа реестрида (EQAR) мавжуд мустақил хорижий агентлик томонидан ўтказилди.

Тошкент давлат стоматология институти томонидан халқаро аккре-

дитациянинг кўлга киритилиши, институт жамоаси учун халқаро таълим майдонига имкониятларини кенгайтиради. Хусусан, таълим дастурларининг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинishi, хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш, таълим жараёналарининг ошкоралиги ва очилиқлини таъминлаш, битирувчиларнинг компетентлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, бугунги кунда Тошкент давлат стоматология институти дунёдаги 20 дан кўп

ривожланган мамлакатларнинг 100 дан зиёд етакчи хорижий ОТМ ва илмий марказлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйган. Республика олий таълим муассасалари орасида Европа Иттифоқида ўз филиалига, халқаро сифат менежменти ISO 9001:2015 сертификатига эга, шунингдек, Финляндиялик JAMK университети билан ҳамкорликда “Тиббиёт ва инновация” (“Medicineandinnovations”) халқаро илмий журналини ташкил этган.

«Халқ сўзи».

ОҚДАРЁДА ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ОЧИЛДИ

Мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини татбиқ этиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Мехрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси маъсуллигига ўтказиш таклифи илгари сурилган эди.

Гамхўрлик

Қисқа вақт ичида ушбу йўналишдаги ишлар ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий мухитга мослаштириш ва ота-она меҳридан баҳраманд бўлиб воёга етиши учун оилавий болалар уйлари ташкил этилмоқда.

Маълумотларга кўра, шу кунга қадар Миллий гвардиянинг Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси, вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси кўмағида 1-Мехрибонлик уйининг 28 нафар тарбияланувчиси ўз оиласи ва яқинла-

ри бағрига қайтарилган, 4 нафари фарзандликка ва 27 нафари оилавий болалар уйига, ота-она қарамоғига топширилган.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг 4 туманида жами бешта оилавий болалар уйи очилган. Яқинда ана шундай файзли уйлар сони яна биттага кўпайди. Оқдарё туманининг Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини Богибаланд кўчаси, 10-уйда истиқомат қилувчи Фахриддиновлар оиласи томонидан ташкил этилган оилавий болалар уйи олти нафар Мехрибонлик уйи тарбияланувчисини бағрига олди.

Оқдарё тумани ҳокимлиги ҳамда Миллий гвардиянинг Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси

раҳбарияти ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда барча хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларнинг фаровонлиги, тотувлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодга воёга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадида амалга ошириб келинмоқда. Халқимизга хос бўлган ушбу ноёб тизим бевосита миллий ва ахлоқий кадриятларимизни ўзида тўлиқ намоён этгани билан халқаро миқёсда ҳам эътироф қилинаётгани таъкидланди.

Шундан сўнг оилавий болалар уйи эгаларига Миллий гвардия ва ҳокимлиқнинг совғалари топширилди, болажонлар хонадонда яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Абдулазиз Йўлдошев («Халқ сўзи»).

Конституциясида унинг мазмуни қуйидагича белгиланган: **“Россия Федерацияси — сиёсатининг мақсади инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий давлатдир”**. Бир томондан, бундай таъриф сиёсий мақсад сифатида берилган бўлса, иккинчи томондан, унда ижтимоий давлатнинг устувор асослари: **инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланиши** кўрсатиб ўтилган.

Конституция ва хусусий мулкчилик

Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ислохотларида **“бирдамлик” тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш, хуқуқий, ижтимоий давлат куриш, адолатли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, инсон капиталини ривожлантириш орқали жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Таъкидлаш жоизки, **адолатли фуқаролик жамияти** — бу эркин шахслар жамияти бўлиб, бунда кучли ўрта мулкдорлар синфи мавжуд ҳамда инсоннинг ҳар томонлама камол топиши, фуқароларни эркин, жамиятнинг маданий, ижтимоий фаол ва қонун олдида масъулиятли аъзолари этиб тарбиялаш учун зарур моддий ва бошқа шарт-шароитлар яратилган. Шу маънода, **конституциявий ислохотларда қуйидаги устувор масалаларга эътибор қаратилмоқда:**

биринчидан, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва инсоннинг иқтисодий хуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим ва зарур шарти сифатида **хусусий мулкнинг (жумладан, ер ва фойдали қазилмаларга нисбатан) дахлсизлиги ва ҳимояси тамойилларини амалга ошириш**. Хусусий мулк дахлсизлиги устуворлигидан келиб чиқиб, давлат идоралари ахборотидаги ишониб мулкка эга бўлган шахсларнинг хуқуқларини бузишга йўл қўймайдиган конституциявий-хуқуқий базани яратишга алоҳида эътибор қаратилади;

иккинчидан, суд фуқаролар ва тадбиркорларнинг хуқуқларини тиклаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш тарафдори бўладиган, ижро ҳокимияти органларини қонун доирасида ҳаракат қилишга мажбур қиладиган, жамият тараққиётига, биринчи навбатда, унинг иқтисодий раванқига хизмат қиладиган тизимни яратиш. Бундай тизим инсон хуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. **Биргина 2021 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 6,5 мингдан ортик фуқаро ва тадбиркорнинг хуқуқлари тикланди;**

учинчидан, аксарият давлатлар конституцияларида хусусий мулк хуқуқи инсоннинг конституциявий хуқуқларидан бири сифатида эътироф этилган. Хусусий мулк хуқуқининг Конституцияда даражасида мустаҳкамланиши шу билан изоҳланадики, у нафақат шахс ва унинг оиласи ҳаётининг моддий фаровонлиги ва барқарорлиги манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга, балки фуқаронинг бошқа кўпба конституциявий хуқуқ ва эркинликларини: кадрқиммати (муносиб турмуш даражаси), эркин тадбиркорлик фаолияти, уй-жой, соғлиқни сақлаш, таълим, маданиятини ривожлантириш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа хуқуқларини амалга оширишга ҳам хизмат қилади. Бунда хусусий мулк хуқуқининг алоҳида аҳамиятини инобатга олиб, замонавий конституцияларда ушбу хуқуқнинг ўзини белгилаш билан бир

қаторда, кўпинча, хусусий мулк хуқуқининг механизмлари, яъни объектлари, субъектлари, хуқуқни амалга ошириш чегаралари ва имкониятлари, унинг чекловлари, кафолатлари ва ҳимоя қилиш усуллари ҳам кўрсатилади;

тўртинчидан, турли мамлакатлар конституцияларида нафақат хусусий мулкнинг субъектив хуқуқи, балки объектив хуқуқ институти сифатидаги хусусий мулкнинг энг муҳим белгилари, энг аввало, унинг бошқа мулк шакллари билан муносабатлари, хусусий мулкнинг ижтимоий хусусияти белгилаб қўйилган. Хусусий мулкнинг конституциявий институционализацияси унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фавқулодда омил эканлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Хусусан, у конституциявий кадриятлар бўлмиш бир томондан хуқуқий ва демократик давлат, бошқа томондан эса ижтимоий давлат тушунчалари орасидаги мутаносибликни ўрнатишда улкан аҳамиятга эга.

Хусусий мулк хуқуқини ривожлантириш ва уни конституциявий-хуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим замонавий тенденциялари қуйидагилардан иборат:

● хусусий мулкнинг ижтимоий функциясини кучайтириш; ● хусусий мулкнинг конституциявий ва хуқуқий кафолатларининг заифлашуви; ● ақка тартибдаги хусусий мулкнинг заифлашуви ҳамда жамият ва давлат ҳокимиятига катта таъсир кўрсатувчи корпоратив хусусий мулкнинг ўсиши; ● конституциявий хусусий мулк хуқуқи объектлари доирасини кенгайтириш, жумладан, ахборотни хусусий мулк хуқуқи объекти сифатида конституциявий даражада мустаҳкамлаш; ● хусусий мулкни конституциявий ва хуқуқий тартибга солишнинг интеграцияси ва дифференциациясининг уйғунлигини таъминлаш.

Тарихда хусусий мулк кафолатларини белгилаб берган конституциявий аҳамиятга эга бўлган биринчи хужжат Франциянинг 1789 йл-даки Инсон ва фуқаронинг хуқуқ ва эркинликлари декларацияси бўлиб, унда хусусий мулк инсоннинг табиий ва ажралмас, муқаддас ва дахлсиз хуқуқи сифатида кўрсатилган. Декларациядаги мулк масалалари “инсон ва фуқаролик хуқуқлари” бўлимида акс эттирилган ва унинг 2-бандида шундай дейилган: “Хар қандай сиёсий бирлашманинг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас хуқуқларини таъминлашдир. Бу хуқуқлар эркинлик, мулк, хавфсизлик ва зулмга қаршилик кўрсатишни ўз ичига олади”.

Хусусий мулк, унга бўлган хуқуқ эркинлик ва хавфсизлик билан бир қаторда энг олий қадрият сифатида эътироф этилади ҳамда улар инсоннинг ажралмас хуқуқидир. Бундан ташқари, Декларациянинг 17-моддасида: **“Мулк дахлсиз ва муқаддас хуқуқ бўлганилиги сабабли, ҳеч ким ундан қонунда белгиланган ижтимоий заруратдан, адолатли ва олдидан тоовон ундириб олиш шарт бўлган ҳоллардан ташқари, маҳрум этилиши мумкин эмас”**.

Ушбу Декларация 1946 ва 1958 йиллардаги Франция конституцияларининг Преамбуласига киритилган. Бироқ, Францияда хусусий мулк ўзига хос икки томонлама маънога эга, чунки бир томондан у конституциявий тушунча бўлиб, мулкнинг бошқа шакллари каби дахлсиздир, бошқа томондан эса жамият мулкни хусусий мулкдан устун қўйилади.

Франциянинг хуқуқий ҳужжатларида ижтимоий давлат гоёсига қарши ўлароқ хусусий мулк дахлсизлигига нисбатан бир оз ноаниқ муносабат мавжуд. Конституцияда **“Франция... ижтимоий республикадир. Бу барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлайди”**. Ижтимоий давлат хусусий мулк чегараларини талқин қилишдан келиб чиқиб, жамият олдида тенгликни таъминлаш мажбуриятини олади. Шу муносабат билан бу борада Франция ва бошқа хорижий тахрибаларни чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Конституция ва дунёнинг экологик муаммолари

Ҳозирги вақтда кўпгина ривожланган давлатлар глобал иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ўз конституцияларига махсус экологик бўлимларни киритмоқдалар. Бунда Франция, Россия ва бошқа Европа давлатларининг **экологик хартияларини Конституциянинг таркибий қисмлари сифатида қабул қилиш** борасидаги тажрибаси қизиқарлидир.

Хусусан, конституцияларда экологик хуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари мустаҳкамланган бўлиб, улар жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатлари эҳтиёжларига мос келиши керак. Бу: **биринчидан**, объектив шартлилик (хуқуқий тамойил табиатта, тарихта ва жамиятта мос келгандигина ҳақиқий деб тан олинishi мумкин);

иккинчидан, тарихий шартлилик (давлат сиёсати ва давлат тузумининг ўзгариши билан хуқуқий тартибга солиш тамойиллари ўзгаради. Агар илгари ер ва табиий объектлар давлатнинг мутлақ мулкда бўлган бўлса, кейинчалик улар фуқароларнинг хусусий мулкда бўлиши мумкин, яъни табиий объектларга нисбатан мутлақ давлат монополияси принципи ўзгартрилади);

учинчидан, тизимлилик (экологик хуқуқнинг барча тамойилларини умумий хуқуқий (конституциявий) тамойилларга, умумий қисм тамойилларига ва экологик хуқуқнинг махсус қисми тамойилларига таснифлаш).

Конституция: ахборотлашган жамият сари

Инсоният цивилизацияси ривожланишидаги замонавий тарихий босқиннинг энг муҳим характери хусусияти — **“рақамли” ва ахборотлашган жамиятнинг шаклланишидир**. Ахборот ва билим ривожланиш, давлат тузилмаларини янада тежамкор ва самарали тузилмаларга айлантиришнинг стратегик омиллариға айланмоқда.

Шу билан бирга, кўплаб давлатлар **тўртинчи санаот инқилобига** қадам қўйган шариқта Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини амалда таъминлаш, шунингдек, ахборотлашган жамиятни шакллантириш мақсадида давлат томонидан ахборот технологиялари ва **“рақамли конституциявий институтлар”**дан фойдаланишни қўллаб-қувватлашнинг конституциявий-хуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқиш зарур.

Акмал САИДОВ, Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.

ТЎҚСОНБОСТИ

эрта кўклам, “илигузилди” кезларида аҳоли дастурхонини сабзавот ва сервитамин кўкатлар билан тўлдириш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади

Тўқсонбости усулида саримсоқпиез етиштириш кишлоқ ҳўжалиги махсулотлари экспорт ҳажмини кўпайтиришнинг ўта мақбул манбаи сифатида ҳам тавсия этилади.

Навоий виллоятида 2022 йил ҳосили учун фермер ҳўжаликлари томонидан ноябрь-декабрь ойларидеа очик майдон ва боғ-ток қатор ораларига жами 1 минг 847 гектар майдонга ушбу усулда сабзавот экиш режалаштирилган. Экиш учун ерларни тайёрлаш, сифатли уруғликларни танлаш ва бу агротехник тадбир мууддатини кечиктирмаслик бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Навоий виллояти бошқармаси ҳамда туман бўлимлари томонидан мунтазам назорат тадбирлари олиб боришмоқда.

— Тўқсонбости экинлари — пиез, саримсоқпиез, сабзи, лавлаги, седана ва кўкатлар етиштириш учун шу кунга қадар виллоят бўйича 1 минг 58 гектар ер майдони тайёрланди, 978 гектар майдонда экиш ишлари ба-жарилди, — дейди “Ўзагроинспекция” Навоий виллояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Зулфия Бобоева. — Экилган майдоннинг 901 гектари боғ-

ток қатор орасига, 78 гектари очик майдонга тўғри келади. Жумладан, 1 минг 792 гектар майдонда пиез экилиши режалаштирилган бўлса, бугунги кунга қадар 947 гектар майдонга ушбу экин турини, 27 гектарга седана, 5 гектар майдонга эса ис-малок кўкати экилди.

Тараддуд

Хатирчи туманида фермерлар томонидан 504 гектар майдонда тўқсонбости экинлари экилиши кўзда тутиляпти. Ушбу усулдан даромад олган фермерлар йил сайин экиш ҳажмини кенгайтирмоқда.

— Тўқсонбости мўмай даромад дегани, — дейди “Алиев Абдугани” фермер ҳўжалиги раҳбари А. Алиев. — Жорий йилда олма, ўрик, ёнғоқзордан иборат боғ қатор ораларига пиез, саримсоқпиез экидик. Кўкламдаёқ пулини олдик. Бу йил эса яна 30 сотих майдонга кулпунал экялмиз. Бундан ташқари 1 гектар ерга уруғлик пиез экишни мўлжаллаб турибмиз. Седана ҳам екянимиз. Бу жуда фойдали доривор ўсимлик ҳисобланади. Насиб этса, келаси баҳорда етиштирилган махсулотларимиз-

ни бозорга олиб чиқамиз. Хари-дорини топиб, экспорт ҳам қила-миз.

Таъкидлаш жоиз, тўқсонбос-ти фермер ва дехонга даромад келтириши билан бирга, бозор-ларда нарх-наво барқарорлиги-ни таъминловчи муҳим манба ҳамдир. Афсуски, бунинг аҳа-миятга беписанд фермер ва дех-қонлар ҳам йўқ эмас.

— Жорий йилда туман бўйича 135 та фермер ҳўжалиги май-донларига тўқсонбости экинла-ри экилиши режалаштирилган, — дейди “Ўзагроинспекция”нинг Хатирчи тумани бўлими катта инспектори Жамолиддин Бобомуродов. — Бу борада мун-тазам назоратни олиб бораймиз. Натижада экин экишни кечиктир-ган, ерларни ўз вақтида тайёр-ламаган 22 нафар фермерга оғоҳлантириш, 8 нафарига эса ёзма кўрсатма берилди.

Аслида, кишлоқ ҳўжалиги мах-сулотлари етиштиришнинг ушбу усули қадимдан мавжуд. Унинг омилоклиги шундаки, вақтида экиб, ёгин-сочини кунарга қол-дирмай ундириб олиш зарур. Шунда у тўқсон кун ўтиб, ўз са-марасини беради.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

иёти босмахонаси. Корхона манзили:
 ширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6